БУГУН—ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ VII СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ

# ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ АСАРЛАР ЯРАТАЙЛИК

Назир САФАРОВ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## АДИБЛАРИМИЗНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

**ПАРТИЯМИЗНИНГ XXV съезди ғоят жўшқин ишчанлик, ташаббускорлик, якдиллик руҳида ўтди. Съезд янги беш йилликка халқ хўжалиги йўналишини сифат ва самарадорлик беш йиллиги деб ном берди. Бошқача қилиб айтганда, икки жумладан иборат — сифат ва самарадорлик ифодасида бир дунё мазмун ва маъно ҳамда бажарилиши жуда ҳам жўн бўлмаган ҳад-ҳисобсиз мураккаб вазифалар белгиланди.**

ЯНГИ беш йилликнинг ўтган беш йилликлардан фарқи ва фазилати шундаки, сифат ва самарадорлик тан олинган ҳолда икки беш йилликни бир беш йилликда бажаришга бел боғлаган марди-майдонлар пайдо бўла бошлади ва уларнинг сафи кун сайин ўсиб-кўпайиб бормоқда. Ташаббусчи бунёдкорлар амалда ўз аҳд-паймонлари устидан чиқмоқдалар. Ишчи синфи, деҳқонлар оммаси, фан-техника соҳибкорлари ана шу руҳда, янгича кўтаринки руҳ ва шиддаткорлик билан иш қила бошладилар. XXV съезднинг руҳи бунёдкор халқимиз руҳи билан чатишиб кетди, кунлар ўтган сари бу руҳ бунёдкорлар онгига сингиб бормоқда, кишилар психологиясида ишчанлик, ижодкорлик, сифат ўзгариши, давлат ишига, меҳнатга коммунистик муносабат барқ уриб, борган сари кенг томир ёймоқда.

Ана шундай шароитда Ўзбекистон ёзувчилари ўзларининг VII съездига тўпланишди. Улар тўққизинчи беш йиллик даврида бажарган ижодий ишларига якун ясаб, ўнинчи беш йилликда қиладиган вазифаларини аниқлаб оладилар.

Кўплар қатори ижодий союзлар, шу жумладан бизнинг Ёзувчилар союзимиз ва ёзувчилар ҳам ўз вазифаларини КПССнинг XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорлари асосида қайта қурмоқлари керак бўлиб қолди. Совет ёзувчиларининг вазифаси бунёдкор халқимизнинг дунёқараши, ахлоқий ва маънавий эътиқодларини, маънавий маданиятини шакллантириш, интернационал руҳни сингдириш, замондошларимизнинг серқирра ҳаёти, қаҳрамонона кураши, тиниб-тинчимаслигини, давлат ва жамоат ишини муқаддас билган, фидоийлик намуналарини, сифат ва самарадорлик қаҳрамонлари образларини акс эттирган бадиий юксак асарлар яратиб беришдан иборатдир. Эндиликда биз ёзувчилар ана шу талаблар асосида ижод қилмоғимиз керак.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съездига қилинган ҳисобот докладида, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов бизнинг ижодий муваффақиятимизни таъкидлаш билан бирга биз ижодкорлар учун йўл-йўриқ бўладиган қуйидаги сўзларни айтди:

«...Шу билан бирга меҳнаткашларни маънавий ўсиши адабиёт ва санъат муваффақиятларидан илдам илгарилаб кетаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Айрим авторлар баъзан ўз талантларини майда мавзуларга сарфламоқдалар, ўз қаҳрамонларининг турмушдаги аҳамиятсиз воқеаларнинг тор доираси билан чеклаб қўймоқдалар. Баъзан композицияси бўш, юзаки, бадиий қиймати паст бўлган жўн асарлар яратилмоқда ва босилиб чиқмоқда. Бу асарларда жўшқин ҳаётимизнинг томир уриши сезилмайди. Совет кишиси кўп қиррали, маънавий дунёсининг бутун бойлиги очиб берилмаётир».

Ҳақ гап!

Яратувчилик жараёнида, иқтисодий тараққиёт билан қадам-бақадам бора олмаётганимиз рост. Воқелигимизга мурожаат қилиб кўрайлик: тўққизинчи беш йиллик учун белгиланган йирик объектлар республикамизда муваффақият билан бажарилди. Мирзачўл, Қарши даштларида миллион гектарлаб янги ер ўзлаштирилди, янги бир авлод пайдо бўлди, улар боғ-роғлар, моддий-маънавий бойликлар яратмоқдалар. Неча ўнлаб гидро иншоотлар бунёд этилиб Жайхун—Аму жиловланди, қудратли насос станциялар яратилди, улар эллик-олтмиш метр баландликка кўтариб бораётган обиҳаёт қақраб, ўлиб ётган бепоён чўлга жон ато қилди, эндиликда бебаҳра ётган чўлбиёбонлар самараси давлатимиз қудратига қудрат, халқимизга маданий ҳаёт, фаровонлик бахш этмоқда.

Ёки Сирдарё ГРЭСи ва бошқа юздан ортиқ йирик саноат объектлар ишга тушириб юборилди. Навоий шаҳрига ўхшаш неча ўнлаб саноати, маданияти тараққий этган янги шаҳар ва районлар барпо қилинди-ю, лекин давр руҳи анқиб турган янги йирик асарлар яратилмаганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Қарши дашти, Мирзачўл, Сирдарё ГРЭСи, ўнлаб завод-фабрика ва ҳимкомбинатлар, ёки янгидан барпо қилинган шаҳар, районлар ёки қурувчилар ҳаёти тўққизинчи беш йиллик даври вазифалари ўзбек совет адабиёти учун ажойиб безак ҳамда воқеа бўладиган йирик объектлардир. Вақт шиддаткор, у ўз вазифасини бажариб сурон кўтариб ўтмоқда. Биз бугунги кунда съезддан-съездгача қилган ишларимиздан ҳисоб берамиз. Ҳисоб қилишга арзигудек ютуқларимиз йўқ эмас, бор. Замондошларимиз ҳаётини, шу кунги ёки эртанги ҳаётини акс эттирган бадиий юксак йирик асарларимиз оз. Ҳар гал ҳам биз ўз ишимиздан ҳисоб берганимизда бўйнимизни эгиб: «Қўлимиздан келгани шу бўлди, бу ёғига қарздормиз», деб узр сўрашга одатланиб қолганмиз. Хўжа кўрсинга иш қилиш одатимизни тарк қилмоғимиз керак!

Мен нимага асосланиб бу қадар аччиқ сўзлаётирман? Бунинг сабаби шуки, биз давр талаби даражасида иш қила олмаётирмиз. Вақтдан, ўз ижодий имкониятларимиздан унумли фойдалана олмаётирмиз.

«Биз бир кун ҳам бир жойда туриб қолмаймиз, биз ҳамма вақт олға бораверамиз» деган эди Леонид Ильич Брежнев... Бош секретаримизнинг «ҳамма вақт олға бораверамиз» деган сўзига эътиборингизни жалб қиламан. Агар бизнинг союзимиз ўтган беш йилликда союз ҳисобида бўлган уч юздан ортиқ кирчиллама ёшдаги ижодкор йигит-қизларимиздан фойдаланишни билмаган экан, республикамизда юз бераётган шиддаткор жараёнларни ҳисобга олиб, ранг-баранг темаларда, ранг-баранг асарлар яратиш устида бош қотирмаган эканмиз, сифат ва самарадорлик беш йиллигини ҳам аввалгидек бепарволик билан ўтказиб юборгудек бўлсак нон-тузни оқламаган бўламиз. Унда китобхон, санъатни севган халқимиз ҳам, бунёдкор қаҳрамонларимиз ҳам бизни кечирмаслар, деб ўйлайман.

Союз раҳбарлари адабий жараён тўғрисида жиддийроқ ўйлашлари, союздан оёғини узиб қўйган ёзувчиларни союз ишига актив жалб қилишлари, улар билан суҳбат қилиб, кўнглини топиб ижодга илҳомлантиришлари, ёзилган қўлёзмаларни ўқиб муҳокама мажлисларида актив иштирок этишлари, адабий жараёнда пайдо бўлиб турадиган муаммоларни ҳал қилишда бош-қош бўлишлари, ўрни келиб қолганда у ёки бу масала устида принципиал сўз айтишдан чўчимасликлари кераклигини орзу қилар эдим.

Бу сўзлар бизга ва союзимиз раҳбарларига тааллуқли. Ишимиздаги сусткашлик, беғам ва бепарволикка қанча тез барҳам бера олсак, шунча ишимиз, ижодимиз олға кетади. Гуллаб-яшнайди.

Ўнинчи беш йиллик, айниқса, очерк жанри учун қулай, материалга бой, майдон бўлади. Афсуски, сўнгги беш йилликлар қаҳрамонларининг тўлақонли образлари акс этган чин маънодаги очерклар кам пайдо бўляпти. Очерклар кўп ёзилаётибди-ю, ҳужжат билан асосланган тўлақонли, адабиётимизда шов-шув бўладиган очерклар яратилмаяпти.

Ўйлайманки, съездимиз адабиётимизнинг ҳозиржавоб жанрларини ривожлантириш учун алоҳида эътибор берар.

## ОЙДИН БУЛОҚ



Унинг «Ойдин булоқ» деган қиссаси бор. Бу асарни китобхонлар севиб ўқиб келмоқдалар.

Мен бу китоб муаллифининг ижодий йўлини ойдин булоққа ўхшатаман.

Республика ёзувчилар съезди ўтаётган шу кунларда ва Буюк Ғалаба байрами яқинлашиб келаётган айёмда бу камтарин, фронтчи қалам соҳиби —Мумтоз Муҳамедов тўғрисида сўз юритдим.

Унинг биринчи «Чўғлар» шеърлар тўплами 1932 йилда нашр этилган. 1934 йилда СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилинган. Шундан буён у назм ва насрда йигирмадан ортиқ асар яратди.

Ҳозир «Чақмоқ» романи устида ижодий иш олиб бораяпти. Мен унинг уруш йилларидаги ижоди ва фаолияти ҳақида қалам тебратмоқчиман. Унинг юзига эътибор қилган киши қоши ва лаби устида билинар-билинмас чандиқ борлигини пайқаб олади. Бу чандиқлар 1943 йил баҳорида Брянск фронтидаги жанглар натижасида пайдо бўлган. Бу ерда Мумтоз Муҳамедов лейтенант унвонида, 45 мм. тўплар взводига командир эди.

Баҳор кунларининг бирида эрталаб ғира-шира тонг қоронғусида оғир тўплар ҳаракатга келди. Гитлерчилар устига ажал оташлари ёғдирилди. Сўнг душманни беркиниб олган истеҳком жойларидан қувиб чиқариш учун ҳужум бошланди. Командир Муҳамедов ҳам ўзининг тўпчи йигитларини душманни яксон этишга олиб борди.

Гитлерчилар истеҳкомларига етиб борган пиёда жангчиларимизга ёрдам бериш керак эди. Йўлда, дарахтлар орасидан гитлерчиларнинг бронетранспортерларидан пулемет овози эшитилди. Бошқа жойлардан ҳам душман пулеметлари ўт очиб қолди. Муҳамедов ўз взводи билан душман транспортерларини йўқотишга буйруқ олди. Тўпчилар чаққон ҳаракатлар қилиб, мерганлик кўрсатдилар. Нишонни тезлик билан мўлжалга олиб, аниқ ўт очдилар. Икки бронетранспортер пачақланиб, пулеметларининг овози ўчди.

Лекин, душман жойлашиб олган Городишчи қишлоғини ташлаб кетгиси келмасди. Гитлерчиларни ўша қишлоқдан суриб чиқариш учун шиддатли жанглар қизиб кетди. Муҳамедов тўпчилари олдинга ўтиб олишди. Душман билан юзма-юз жанг бошланди. Муҳамедов взводидан бир тўпнинг мўлжалловчиси ҳалок бўлди. Унинг шериги оғир яраланди. Тўпни бошқарадиган киши қолмади. Шунда Муҳамедов тўпнинг ёнида ўзи туриб, қаттиқ қаршилик кўрсатаётган гитлерчилар устига ажал оташини ёғдира бошлади. Қаердандир душман минометлари ўт очиб қолди. Шу вақт бир мина тўп яқинида портлади. Тўхтовсиз ўт очаётган командир аввал ўзининг яраланганлигини сезмади. Қоши устидан қон оқиб, кўзига томгандан кейин уни сезиб қолди. Қон тўхтамай сизиб, кўришни қийинлаштириб қўйди. Санитар келиб, Муҳамедовни пана жойга олиб бориб, биринчи ёрдам кўрсатди. Кейин уни жанг майдонидан санбатга олиб кетдилар.

Муҳамедов госпиталда даволаниб, яна жанг майдонига йўл олди. Лекин ўз қисмига етиб бориши биланоқ, уни орқага жўнатадилар. Бу сафар у госпиталга эмас, Москвага йўл олади. У ерда рус бўлмаган миллат жангчилари агитаторларининг бутун иттифоқ кенгаши ўтаётган эди. Мумтоз фронтга «Муштум» журнали секретарлигидан кетган эди. Буни анкетадан билган фронт штабидаги командирлар, уни ўша кенгашга вакил қилиб юбордилар. Кенгашдан кейин Мумтоз Москвада қолдирилди ва қисқа муддатли курсда ўқиб, Брянск фронтида ўзбек тилида чиқиб турган «Душманга қарши олға» газетасига ҳарбий мухбир қилиб юборилди.

Ҳарбий мухбирлик ҳамма вақт олдинда — жанговар воқеалар ичида бўлишни ва жанг қаҳрамонлари ҳақида оператив материаллар уюштиришни талаб этади. Мумтоз Муҳамедов ҳам материал учун ҳар куни неча километрлаб йўл босиб, олдинги маррага йўл олар, гоҳида ўқлар остида дафтарини очиб, жангчилар айтган бир-икки оғиз сўзни ёки улар кўрсатган жасорат тавсифини қаламга туширишга шошиларди.

Болтиқ бўйи фронтида газета номи ўзгариб, «Суворовчи» бўлиб чиқа бошлайди. Болтиқбўйи қардош республикаларини фашистлар асоратидан озод этиш учун олиб борилган жангларда фаол қатнашиб, редакцияга муҳим оператив материаллар уюштиргани учун Муҳамедов «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Улуғ Ғалаба хушхабари жаҳонга тарқалганда Муҳамедов охирги жанг эпизодлари ҳақида материал тўплаб, ҳужум жангларида қатнашаётган баҳодирларимиз орасида юрган эди. Ҳамма ерга «Ғалаба!» деган хушхабар яшин тезлигида тарқалди. Жангчилар бир-бирларини табриклар, қуролларидан ўқ узиб, ғалаба шарафига салют берар эдилар. Бу ҳаяжонли соатда ҳарбий мухбир, тажрибали адиб Муҳамедов она-Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида жонларини фидо айлаган қаҳрамонлар хотираси, ғалаба байроғини Рейхстаг устига қадаган баҳодирларнинг буюк жасоратлари ҳақида асарлар ёзишни дилига тугиб қўйди.

Фронтдан қайтиб, ҳарбий ватанпарварлик мавзуларида бир қанча асарлар ёзди. «Кичик гарнизон», «Қаҳрамон изидан», «Душман билан юзма-юз» ва бошқа тўпламлари баҳодир совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши майдонларидаги жасоратларига бағишланган.

Ҳарбий ёзувчи Мумтоз Муҳамедовнинг ижодий орзулари катта. Адиб бу орзуларини амалга оширишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

НАЗАРМАТ.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

### СЛОВАК ТИЛИДА

**Ўзбек адиби Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи яқингинада вьетнам ва болгар тилига таржима қилинган эди. Бу роман словак китобхонларига ҳам энди ўз она тилларида тақдим этилди.**

**Асарни словак тилига рус тилидан Рузена Дубравова таржима қилган. Роман Чехословакиядаги «Смена» нашриёти томонидан чоп этилган бўлиб, «Родна штреха» («Азиз чеҳралар») деб номланган. Китоб чиройли безатилган, супер муқоваси ҳошиясида роман ҳақида қисқача тушунтириш берилган. Китоб сўнгида эса адибнинг романни ёзиш жараёнидаги олиб борган изланишлари, конкрет қаҳрамонларга асослангани ва ёзувчи ҳаёти ҳақида фикр юритилган.**

### НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

**Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг съездига Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти муносиб туҳфалар билан келди. Китоб дўконларида ҳали бўёғи қуримаган янги-янги китоблар пайдо бўлди. Булар орасида Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» трилогиясининг иккинчи китоби, Ўлмас Умарбековнинг янги ҳикоялари жамланган «Қиёмат қарз», Оқилжон Ҳусановнинг янги ҳикоя ҳамда очерклари киритилган «Қашқар гўзали», Олим Қўчқорбековнинг масал ва шеърларидан ташкил топган «Кўнгил мезони» сингари китоблар бор. Шунингдек, Иброҳим Ғафуровнинг «Ям-яшил дарахт», Р. Назарованинг «Ўзбек романи ва замонавийлик» ва бошқа адабиётшунос олимларнинг адабиётшуносликка оид китоблари ҳам ўзбек китобхонлари ҳамда ёзувчиларимиз съездига ажойиб тортиқдир.**




### СОҲИБКОРИМ

**Бу гул меҳрим боғидан, қабул эт, дилафкорим.
Нишона қалб қўридан, манзур тут, яловдорим,
Гулнур дедим, гул бердим, кўксингга тақ, гулнорим,
Гул орқали дил бердим, дилимга боқ, дилдорим,
Юрагимга йўл бердим, марҳамат, соҳибкорим.**

**Боқиб узоқ, узоқдан чалдим севгим рубобин,
Фироқ ўтин ўчирдим, енгдим ҳижрон азобин,
Тўйиб, қониб ичгайман васли дамлар шаробин,
Шуълалардан ёзгайман мурод ҳосил китобин,
Юрагимга йўл бердим, марҳамат, соҳибкорим.**

**Гувоҳ бўлсин ишқимга халқи олам сен учун,
Бу қасамёд йўлига қўйдим қадам сен учун,
Наво тўқиб севинчда куйлай ҳар дам сен учун,
Вафодорга вафо деб сайрай ҳар дам сен учун,
Юрагимга йўл бердим, марҳамат, соҳибкорим,**

**Севгимизга маскандир бу диёнат гулшани,
Ихлос гулин очибдир бу саодат гулшани,
Жилвалардан тўлибдир бу назокат гулшани,
Бизни чорлар бағрига бу фароғат гулшани,
Юрагимга йўл бердим, марҳамат, соҳибкорим.**

**Бахтимиздан яралган эзгу, ўтлуғ бу замон,
Фаҳримиздан яралган сурур, қутлуғ бу замон,
Вужудларни қиздирар мисоли чўғ бу замон,
Қодирий дер: — Барқарор, қиёси йўқ бу замон,
Юрагимга йўл бердим, марҳамат, соҳибкорим.**

**Рўзи ҚОДИРИЙ.**

### ОНА-ЕР ҚЎШИҒИ

**Ҳарир, оқ пардага ўралган дала.
Уйқудан уйғонар мудроқ марзалар.
Тепада булутлар гала ва гала,
Она-ер бағрида ҳаёт юксалар.
Сукунат ҳукмрон майдон сатҳида.
Шудринг кенгликка оро беради.
Олам чароғбони ҳали тахтида,
Уфқлар керишиб кўкрак керади.
Эрта тонг бўлсада дала бошида,
Одамлар овози ҳавода учар.
Трактор, агрегат, шийпон қошида,
Улар орзуларнинг баридан қучар,
Нуроний отахон қадоқ кафтида,
Якдона чигитни суртар кўзига,
Сўнг бир зум иситиб юрак тафтида,
Ташлайди машина юрган изига.
Оқ рўмол ўраган онахон бехос,
Чигит тушган ерни майин силайди.
Унинг вужудида пахтага ихлос,
Мўл-кўл бўлгин дея, тилак тилайди.
Девқомат йигитлар қилар донолик,
Ҳар қарич тупроқни чўтга солади.
Шивирлар сўзлари чуқур маънолик:
— Ҳаммаси бўлади, бари тўлади!
Чайир юзли, ўктам қизу жувонлар,
Ҳозирданоқ катта хирмонни ўйлар.
Бас бойлашар ошмоқ бўлиб довонлар.
Қирқ бешу эллик беш центнердан сўйлар.
Саҳий, ғолиб куздан қилар ҳикоя,
Зебо給ниб ҳар кун меҳнаткаш кўклам.
Ғайрат-шижоатлар кетмайди зое.
Буюк зафарларга чулғанар ўлкам.
... Ҳарир оқ пардага ўралган дала,
Уйқудан уйғониб товланиб яшнар.
Тепада булутлар гала ва гала, —
Бўлажак «оқ олтин»—тоғларга ўхшар!..**

**Раҳим УМАРИЙ.**



### ДАВРИНГНИ СУР

Мард йигит, мардонавор меҳнат қилиб, даврингни сур,
Меҳнатингнинг шавқида роҳатланиб, даврингни сур.
Толеинг ҳамроҳ бўлсин мақсадингнинг йўлида,
Бу фаровон бахт учун суръат қилиб, даврингни сур.
Ниятинг покдир, юзингда нек бахтлик нури бор
Ҳур ҳаётинг шавқида журъат қилиб, даврингни сур.
Қўллари гул қиз-йигитлар бирга ҳамкор дилкашинг,
Бу миришкорлар билан ҳиммат қилиб, даврингни сур.
Сен Ватан фарзандисан, аҳдига вафо банд айлаган,
Кўрсатиб меҳнатда ўзин шуҳрат қилиб, даврингни сур.
Кўп замон ётган ҳаётсиз чўлда бўстонлар қуриб,
Бахтиёр қудрат элин улфат қилиб, даврингни сур.
Ҳушнудо сайр айлабон чўллардаги боғлар аро,
Меҳнат аҳли бирла доим суҳбат қилиб, даврингни сур.

ХУШНУД.

### ЯЙЛОВ ОҚШОМИ

Қуёш уфқларда қизарар ҳорғин,
Шом қўйилиб кўкда Зуҳро порлайди.
Ложуворд яйловлар аста олар тин,
Чўпонлар гулхани кўкка ўрлайди.
Шабада эркалар гуллар ғунчасин,
Шовиллаб оқади пастда тошқин сой.
Булбул хониш қилар мулойим, ширин,
Ўз севгисин куйлар чўпон чалар най.
Дилларни қитиқлар бир ажиб сурур,
Тўлин ой водийда сочар оппоқ нур.
Яйловда жўш урар ҳаёт уззукун.
Борлиқни бағрига босар ойдин тун.

Озод ХУШНАЗАРОВ.

## ЗАМОН ТАЛАБИ

СОВЕТ адабиётининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири ҳамиша халқ ҳаёти ва давр талабларига ҳамоҳанглигидир.

КПСС XXV съезди белгилаган улугвор вазифалар адабиётимизнинг мавзу кўламини, ижод уфқларини, шубҳасиз, кенгайтиради. Ўнинчи беш йилликда республикамизда пахта етиштиришни 6 миллион тоннага етказиш вазифаси қўйилди. Бу — жуда катта умумхалқ жасоратини талаб этадиган буюк ижтимоий тадбирдир. Мазкур вазифани амалга оширишда адабиётимиздан аввало халқ қаҳрамонлигини чинакам бадиий кашф этиш, оддий пахтакор меҳнати замиридаги ҳақиқий буюкликни унинг ўзига кўрсатиш талаб этилади.

Адабиётимиз тарихий тараққиётидан маълумки, ҳақиқий бадиий кашфиёт ҳамма вақт улкан фалсафий фикрлашишни ҳам тақозо этади. Совет ёзувчиси ҳозирги замон китобхони талаблари даражасида бўлмоқ учун ҳаётни бадиий бўёқларда акс эттириш билангина кифояланмаслиги, уни чуқур фалсафий идрок этиши, унинг сиймосида ёзувчи ва мутафаккир тушунчаси яхлит бир бутунликни ташкил этиши ҳам лозим. Комил Яшин, Уйғун, Шароф Рашидов, Зулфия, Назир Сафаров, Асқад Мухтор, Мирмухсин ва бошқа ёзувчиларнинг кейинги йилларда яратган асарларининг халққа манзур бўлишининг сабабларидан бири ҳам ана шундадир. Публицистик руҳдаги романлар, драмаларнинг пайдо бўлаётганлиги ҳозирги замон китобхони маънавий эстетик эҳтиёжларига айни мувофиқ бўлиб, муҳим эстетик ва маърифий таъсирот ва таъсир кучига эгадир.

Шу муносабат билан мен ўнинчи бешйиллик вазифаларини амалга оширишда ҳозиржавоблик билан халққа ёрдам беришга даъват этилган бадиий публицистиканинг ролини алоҳида таъкидламоқчиман. Очеркнинг мураккаблиги шундаки, бу жанр ёзувчидан теран мутафаккирликка асосланган юксак сўз санъатини талаб этади. Кейинги вақтда «Оқсоқоллар», «Чўлқуварлар», «Беш миллион» очерк ва публицистика китобларининг нашр этилиши диққатга сазовордир. Бироқ, пахтакорнинг оламшумул жасорати олдида адабиётимизнинг йирик жанрларигина эмас, очерк ва публицистика ҳам катта қарздордир. Ўзбек совет адабиётида яратилган очерклар асосан портрет асарлардир. Очерк ўнинчи беш йиллик режаларида конкрет кўрсатилган саноат, қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳар тарафлама кенг ва чуқур ёритувчи, публицистик тадқиқ этувчи махсус муаммо очерклар яратилмаётир. Юқорида биз тилга олган очерк китобларига кирган асарларнинг аксариятида колхоз-совхоз, ишлаб чиқариш раҳбарлари фаолияти ёритилади. Масалан, «Оқсоқоллар» китоби очерклари қаҳрамонлари раҳбарлик фаолиятига доир ҳаётий фактлар ва бошқа материалларни умумлаштиришнинг ўзи ҳам қишлоқ хўжалигига партиявий иқтисодий раҳбарлик муаммосига доир қатор махсус тадқиқот очерклар яратишга имкон берар эди.

Очерк ва публицистикамизда актив гражданлик пафоси етишмаётганлиги туфайли ҳаётдаги муҳим масалалар унинг назаридан кўп ҳолларда четда қолмоқда ёки юзаки қайд этиб ўтилмоқда. Ўзбекистон Компартияси XIX съездига қилинган ҳисобот докладда қишлоқ хўжалигида катта перспектив проблемалар мавжудлиги алоҳида таъкидланди. Шундай проблемалардан бири ҳар йили янги ерлар ўзлаштирилаётганлиги муносабати билан келиб чиқаётган сув танқислиги проблемасидир. Бундай долзарб масалалар ҳақида тадқиқот очеркларининг яратилиши халқимизга катта маънавий мадад бўлар эди, албатта.

Йирик қурилишларда доимий ёзувчи постлари ташкил этиш, ёзувчиларни ишлаб чиқариш объектларига узоқ муддатли командировкаларга юбориш бадиий ижод, хусусан очерк жанрининг ривожланишига фойдали бўлиши билан бирга умуман бадиий ижодни ҳаётга янада яқинлаштиради ва янги мавзуларни эстетик ўзлаштиришга ёрдам беради.

Бадиий ижодда умумбашарий фалсафий ғояларнинг ҳозирги давр актуал масалалари нуқтаи назаридан санъаткорона акс эттириш, шунингдек, кўркам ҳаётий тасвир билан янги образли фалсафий тафаккурнинг табиий бирикувидан иборат бўлган бадиий очеркни ривожлантириш масалалари ҳам Ўзбекистон ёзувчиларининг бугун бошланадиган катта анжумани — съезднинг диққат марказида бўлади, деб умид қиламиз.

Очил ТОҒАЕВ,
филология фанлари доктори.

